



**Андижон вилоят статистика бошқармаси**  
**« Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси » бўлими**

**НИЗОМИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Андижон вилояти статистика бошқармаси (кейинги ўринларда Вилоят статистика бошқармаси деб аталади) Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўлимининг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлим ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича фаолиятини Вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлинмалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Андижон вилояти статистика бошқармаси бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Андижон вилояти статистика бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

## 2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

*а) Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича ягона сиёсатни амалга ошириш, статистикани ташкил қилишнинг самарали тизimini таъминлаш ва давлат статистикаси соҳасида мувофиқлаштириш ва функционал тартибга солиш соҳасида:*

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, методологик ишларнинг режа-жадвали, Давлат статистика кўмитасининг ҳамда Вилоят статистика бошқармасининг иш режаларини ўз вақтида шакллантирилишида иштирок этиш;

Давлат статистика ишлари дастурининг ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид қисми бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасида давлат статистика принциплари ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ягона статистика услубиятига риоя этилишини таъминлаш;

ишлаб чиқиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига Бўлим ваколоти доирасидаги таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этиш.

*б) ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш соҳасида:*

Давлат статистика ишлари дастурининг ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид қисмини бажарилишини таъминлаш;

худудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурлари бажарилиши бўйича давлат статистика кузатувларини Бўлим ваколоти доирасида ташкил этиш ва амалга ошириш;

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда, зарур ҳолларда қоғоз кўринишида йиғишни, сўровларни ва бошқа кузатувларни ташкил этиш;

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид кўрсаткичларининг статистик ҳисобини юритиш, вилоят бўйича муҳим жараёнларининг бирламчи статистик таҳлилини амалга ошириш;

статистик ҳисобот кўрсаткичларининг ва ўтказилган танланма кузатувлар натижаларини тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини ҳамда статистик маълумотларнинг шаффофлиги ва очиқлигини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

хўжалик юритувчи субъектларга ишончли давлат статистика ҳисоботларини тақдим этишда ҳар томонлама кўмаклашиш, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш, статистик назоратни амалга оширишнинг замонавий усулларини жорий этиш бўйича таклифларни киритиш;

ахборот-статистик маълумотлар базасини юритиш, веб-сайтларни янгилаб бориш учун таҳлилий маълумотларни тайёрлаш;

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасига оид статистик маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

қонунчиликка мувофиқ, Бўлим иш фаолиятида шаклланган архив ҳужжатларини жамлаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ишларини амалга ошириш.

*в) давлат органлари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид ахборотлар билан таъминлаш соҳасида:*

миллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид кўрсаткичларни максимал даражада шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлаш;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасида юз бераётган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар ва пресс-релизлар тайёрлаш;

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо соҳасини тавсифловчи тезкор ва сифатли статистик маълумотларни тайёрлашни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижроси юзасидан Бўлим ваколати доирасида йиллик, чорақлик ва ойлик статистик ҳамда таҳлилий материалларни тайёрлашда иштирок этиш;

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид статистик кузатувлар ва расмий статистик маълумотларни тарқатиш бўйича ташкил этиладиган ахборот-тушунтириш ишларида иштирок этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда статистик, таҳлилий, ахборот, хизматларини ва Давлат статистика ишлари дастуридагидан ташқари бошқа хизматларни кўрсатиш.

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳаси услубияти, статистика ишларини ташкил этиш ва уларни бажариш масалалари бўйича Вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлинмалари ва ҳудудий статистика органларига ёрдам кўрсатади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда мурожаат эгаларига жавоблар тайёрлайди;

Давлат статистика қўмитаси, Вилоят статистика бошқармаси раҳбариятининг топшириқлари ва фойдаланувчиларнинг сўровларига асосан ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

Бўлимнинг услубий, иқтисодий, ташкилий ва статистик ишлари режаларини шакллантиради ва уларнинг ижросини таъминлайди;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди;

Вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти кўриб чиқиши учун таҳлилий ва бошқа материалларни тайёрлайди;

давлат идоралари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид статистик маълумотлар билан таъминлайди;

бўлимнинг иш услубини такомиллаштириб боради, фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида бажарилишини таъминлайди, бўлим ходимлари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича масъулиятини ошириб боради;

Давлат статистика ишлари дастурининг ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси қисми бўйича вазифалар ижросини таъминлайди;

туман (шаҳар) статистика бўлимлари томонидан, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика услубияти асосида ташкил этиш ишларини мувофиқлаштиради;

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид давлат статистика ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш ва электрон ҳужжат айланиши бўйича туман (шаҳар) статистика бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритади;

Бўлим ўзига юклатилган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

### **3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вилоят статистика бошқармаси бўлимлари ва туман, шаҳар статистика бўлимларидан ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасида ишларини ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича Вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

давлат статистика кузатуви шакллари ўзгартириш ва уларни тақдим этиш тартиби, давлат статистика кузатувларини ўтказиш усуллари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг идоравий статистик кузатув шакллари бўйича таклифлар бериш;

туман, шаҳар статистика бўлмалари томонидан ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ва бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) давлат статистика ҳисоботларини белгиланган тартибда олиш ҳамда улардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид ишларни олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни ишлаб чиқишнинг исталган босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасига оид давлат статистикаси кузатувларининг методологияси, шунингдек расмий статистик ахборотлар билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва холисоналигини экспертизадан ўтказиш;

Бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йиғилишлар иштирок этиш;

Вилоят статистика бошқармасининг иш режалари, Бўлим иш режасининг тузилиши ва мазмуни бўйича Вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича Вилоят статистика бошқармасининг тармоқ бўлимлари ва туман, шаҳар статистика бўлимлари билан ҳамкорлик қилиш.

9. Бўлим қуйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиш;

Бўлим ходимлари томонидан белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

#### **4-боб. Бўлимнинг таркибий тузилмаси**

10. Бўлимнинг таркибий тузилмаси Бўлим бошлиғи, бош мутахассис (1та), етакчи мутахассис (1та).

#### **5-боб. Бўлимнинг фаолиятини ташкил этиш**

11. Бўлимнинг иши Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиш дастури, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида низом, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитаси раисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Давлат статистика қўмитасининг иш режалари, Бошқарманиннг иш режалари ва Бошқарма ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган Вилоят статистика бошқармасининг иш режалари асосида шакллантирилади ва Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари Бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

## **12. Бўлим бошлиғи:**

Бўлим мутахассисларининг ишини ташкил қилади, Бўлимга юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун жавоб беради;

Бўлим ходимларининг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга қўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосарига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Вилоят статистика бошқармаси йиғилишлари ва мажлисларида, шунингдек Вилоят статистика бошқармаси раҳбариятининг топшириғига биноан Бўлим тасарруфига кирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гуруҳлар ва кенгашлар фаолиятида иштирок этади;

Вилоят статистика бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ таҳлилий ва умумлаштирувчи материалларни тайёрлайди, қўйилган вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича услубий ҳужжатларни қўллаш бўйича туман, шаҳар статистика бўлимларининг бошлиқлари ва мутахассисларига маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатади;

Бўлим ходимлари билан юклатилган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиш масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказиши;

иш юритишни олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилади, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

бўлим ваколатига кирувчи масалаларни муҳокама қилишда идоралар, корхоналар ва ташкилотларда Вилоят статистика бошқармаси манфаатларини ифодалайди;

13. Бўлим бошлиғи вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Бош мутахассис бажаради.

## **14. Бўлим бош мутахассиси вазифалари:**

Бўлимга юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун жавоб беради;

Вилоят статистика бошқармаси ва Бўлимнинг иш режаларида кўзда тутилган масалаларни ўрганилишини ва чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

статистик кўрсаткичларни ишончилиги, объективлиги, тўлиқлиги ва тизимлилигини таъминлашда иштирок этади;

бўлимга юкланган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини амалга ошириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

бўлим ишларининг самарадорлиги даражасини ошириш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

давлат статистика ҳисоботлари шакллари ва кузатув сўровномаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

статистик маълумотларни шарҳлаш, статистик кузатув бланкаларини тўлдириш масалалари, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш услублари, статистик ҳисоб-китоблар ўтказиш, олинган маълумотларнинг ишончилигини экспертизадан ўтказиш бўйича маслаҳатлар беради;

статистик кузатувларнинг электрон маълумотлар базаси сақланишини ва асосий статистик кўрсаткичлар бўйича динамик қаторлар юритади;

Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ҳажмини баҳолаш учун зарур бўлган материалларни тайёрлайди;

давлат ва тижорат сирига риоя қилинишини ҳамда бўлимга кирувчи материалларни ва бўлимдан чиқувчи материалларнинг нухаларини сақланишини таъминлайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини, шу жумладан электрон шаклда келиб тушган муурожаатларни кўриб чиқилишини (зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида) ташкил қилади, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва Вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига киритади;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

15. Бўлим бошлиғининг ўринбосари вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бўлимнинг бош мутахассиси бажаради.

бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги муурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

## **17. Бўлим етакчи мутахассиси**

функционал вазифаларига мувофиқ маълумотлар, материаллар, таклифлар ва ҳужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

давлат статистика ҳисоботларини белгиланган муддатларда сифатли тақдим этилишини назорат қилади, олинган маълумотларни таҳлил қилади, улар асосида жамланма маълумотлар жадвалларини шакллантиради, бюллетенлар, тўпламлар, маърузалар ва иқтисодий ёзишма материаллар учун статистик маълумотлар тайёрлашда иштирок этади;

давлат статистика ҳисоботлари шакллари ва кузатув сўровномаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материаллар ва уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

иш юритишни олиб боради, Бошқармада ҳужжатларнинг ўтиш тартибини ташкил қилади, ҳужжатларни архивда сақлаш учун тайёрлаш ва ўз вақтида топширишни таъминлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.